Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 105 (5396).
10 МАЙ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

● КПСС Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин номли «Правда» босмахонаси коллективини шонли сана—босмахонанинг 50 йиллиги билан самимий табриклайди.

● 8 май куни Москвада СССР Миллий олимпиада комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда совет спортчиларининг Лос-Анжелесдаги XXIII Олимпиада ўйинларида иштироки масалалари кўриб чиқилди. Миллий олимпиада комитетининг барча аъзолари, шу жумладан спортнинг барча 29 олимпиада тури федерацияларининг раҳбарлари, СССР МОК президиумининг аъзолари Лос-Анжелесдаги Олимпиада ўйинларида иштирок этмаслик учун якдиллик билан овоз бердилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ҚУРАЙЛИК

10 май куни Тошкентда кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь, 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг талаблари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар ҳамда шу йил 9 апрелда мазкур масала юзасидан КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгаш асосида 1984 йилда капитал қурилиш планини бажариш тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Кенгашда область партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг ва область ижроия комитетлари раисларининг капитал қурилиш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, шаҳар ижроия комитетларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг пудратчи ва буюртмачи бирлашмалар, корҳоналарнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

(ЎзТАГ).

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ— РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИГА

● Сифат ва самарадорлик—асосий мақсадимиз

АТТЕСТАЦИЯ САМАРАСИ

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси механика цехидан В. Катеринг комплекс бригадаси ишлаб чиқариш топшириқларини ишончли ишчи кучи билан таъминлашга бошлади. Корхона касаба союз комитетининг комиссияси ишчи ўринларини аттестация қилиши трансформация корпусларига бериладиган заготовкалар цехида станокчилар меҳнатини қисқартиришга қаратилган эди.

Комиссия аъзолари — инженерлар ва касаба союз активлари бу цехда машина-ускуналарни ишончли ишлаш билан банд бўлишини текширдилар, иш кунини хронометраж қилдилар. Шунда ишчилар ишдан чиқиш асбобини алмаштириш, станокларни қириндилардан тозалаш каби ёрдамчи ишларни бажаришга кўп вақт сарфлаётганликлари аниқланди. Бунда ҳар сафар станоклар тўхтатилиб, иш дақиқалари бекор кетади.

Текширувчилар анча такомиллашган асбоб-ускуналардан фойдаланишни таклиф этдилар. Станоклар қиринди билан булғанмаслиги учун махсус иҳота мосламалари қўйишга қарор қилинди. Шунда мажбурий бекор туришлар сони бирданига камайиб кетди.

Бошқа янгиликларни жорий этиш ҳам анчамунча самара берди. Мосламалардан бирини такомиллаштириш натижасида ишлов берилаётган деталларни бир станокдан иккинчи станокка ўтказишда меҳнат сарфини камайтириш мумкин бўлди. Кишиларнинг меҳнатини енгиллаштирувчи икки манипулятор ишга солингач, поток линиядаги иш унуми анча ортди. Натижада бир неча малакали ишчи станокчилар етишмаётган боцқа участкаларга ўтди.

Ҳозир ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида иш ўринларини аттестация қилиш муносабати билан 400 тадан кўп ижодкор группа ишлаб турибди. Бу группалар касаба союз комитетининг назоратида ҳар бир иш ўрнида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган катта ишларни қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).



«Тошкент» тепловоз депосининг коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраяпти. Барча участка ва бригадаларда энг юқори унумдорликка эришиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Электровоз двигателларининг ремонтчи слесарлари коллективида ҳам меҳнат беллашуви авжида. Коллективнинг ҳар бир аъзоси смена топшириғини ортиғи билан адо этишга интилмоқда.

СУРАТДА: коммунист катта мастер Б. Валиев ёш партия аъзоси электр слесарь М. Алексеев ишини текширмоқда.

В. Сиротинин фотоси.

● ТОШКЕНТ—ЖАҲОНГА

ГИДРОПРЕСС ЖЎНАТИЛАДИ

БУГУН

«Госкомсельхоз т е х н и к а»га қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт механика заводида тайёрланган гидропресслардан бештаси Монголия Халқ Республикасига жўнатилди. Йил бошидан бери корхона хорижий буюртмачиларга 50 дан зиёд гидропресс етказиб берди. Куба, Болгария, ГДР сингари мамлакатлар корхонанинг доимий буюртмачилари саналади. Юбилей йилида ушбу мамлакатлар шаҳримиздаги завод маркаси туширилган 120 дан ортиқ мустаҳкам гидропрессларни ўз вақтида олишга муваффақ бўлишади.

● ТОШКЕНТ—РЕСПУБЛИКАГА


Саҳро шунқорларига

Тажриба - механика экскаватор ремонти заводи коллективи сер-қуёш республикамизнинг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Юбилей йилида завод ишчилари 14 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек ремонт-таъмир ишларини амалга оширишни кўзда тутишган.

Корхонада сувсиз ерларни ўзлаштиришда қўлланиладиган дренаж машиналар, саҳро шунқорларига мўлжалланган вагон-ётоқхоналар юқори сифат билан ишлаб чиқарилмоқда.

БУГУН

ана шу машиналардан иккитаси ва ўнга яқин кўчма ётоқхона Сирдарё ҳамда Қашқадарё областларига жўнатилди. Ишчилар йил охиригача 30 та машина, 250 тадан зиёд қулай ётоқхоналар тайёрлаш учун курашишмоқда. Бу ишда корхонанинг 5-цехи коллективи айниқса ибрат кўрсатмоқда.



Виктор Ульянов Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-механика цехидаги илғор ишчилардан саналади. Унинг бу ерда меҳнат қилаётганига саккиз йил бўлди. Илғор токарь республика юбилейи шарафига корхонада кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, ҳозир вақтдан ўзган ҳолда меҳнат қиляпти. Яқинда В. Ульяновнинг шахсий меҳнат календарида 1985 йилнинг февраль ойи бошланди.

СУРАТДА: илғор токарь Виктор Ульянов.

А. Тўраев фотоси.

Пойтахт қурилишларида

ЮКСАК КЎРСАТКИЧЛАР БИЛАН

Тошкентнинг кўп минг кишилик қурувчилар армияси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришган ҳолда кутиб олиш учун кун сайин мусобақа байроғини баланд кўтармоқда. Бунёд этилаётган объектларда иш қизғин. «Тўйга— тўёна билан» деганларидек, ҳар бир бунёдкор бу улкан ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интиляпти.

«Зангори кема» яратувчилари учун

«Ташсельмаш» массиви кун сайин чирой очиб боряпти. Бу ерда мадания-маиший объектлар, қулай турар жой бинолари қад кўтармоқда. Ғиночик, Боткин кўчасининг бошланишида яна бир тўққиз қаватли 192 квартирали уй тикланяпти. Объектда қурилиш-монтаж ишлари авжида. Бунёдкорлар уйни янги йилга, у «Ал-мустақбал» журнали мухбири билан суҳбатда Сурияга қарши Исроил агрессияси хавфи реал бўлиб қолмоқда, деб таъкидлади. Исроил агрессорлари араб халқларининг ҳуқуқлари ва ҳаётий манфаатларини поймол этаётган Қўшма Штатларнинг Яқин Шарқдаги авантюрачилик сиёсатини қаттиқ танқид қилди. У «Ал-мустақбал» журнали мухбири билан суҳбатда Сурияга қарши Исроил агрессияси хавфи реал бўлиб қолмоқда, деб таъкидлади.

Жадал суръатда

8-трестнинг 4-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳам «Тўйга тўёна билан борамиз!» дейишмоқда. Улар ҳозир Карл Маркс ва Биринчи Май кўчалари кесишган чорраҳада, ҳозирги 6-тўғруқхонанинг ён томонида мазкур тўғруқхонага мўлжалланган янги бинони бунёд этишмоқда.

Юбилейолди меҳнат беллашувида коммунист Николай Ключков, Тохир Галиев бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилишмоқда. Ҳар икки бригада биринчи квартални муваффақиятли якунлаб, иккинчи квартални яхши суръат билан бошлади. Биринчи кварталда 140 минг сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Туғруқхона қурилиши учун 2.987 минг сўмлик маблағ ажратилган. Ҳозиргача шундан 1.087 минг сўми ўзлаштирилди.

«Ёдгорлик» магазини

Серқуёш республикамиз пойтахти Тошкентга таниф буюрган ҳар бир меҳмон «Ёдгорлик» магазинига кирмасдан кетолмайди. Ҳозирда пойтахтда шундай магазинлардан бир нечтаси ишлаб турибди. Яқинда уларнинг сони яна биттага ортади. Бу савдо магазини «Марказ—1 Б»да бунёд этиляпти. Шарқ меъморчилиги ютуқлари асосида яратилган мазкур икки қаватли бинони 159-трестнинг 22-қурилиш бошқармаси қурувчилари тиклашяпти. Меҳнат беллашувида Шокир Ҳасанов бошлиқ бригада азаматлари етакчилик қилишяпти. Улар ойлик топшириқларини 20 процентга ошириб адо этишмоқда.

Ҳозир объектда бир йўла сайқал ишлари бошлаб юборилди. Бу ишларни 1-Пардозлаш трестининг 31-қурилиш бошқармаси пардозчилари бажаришяпти.

ЎН САККИЗ ХИЛ МАҲСУЛОТ

Шина ремонт заводида йил бошидан бери ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга юборилган маҳсулот 750 минг сўмликка етди. Бу маҳсулотнинг 6 минг сўмлигини коллектив планга қўшимча тайёрлади.

Корхонада ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун давом этаётган социалистик мусобақада резина қоплаш цехидаги Зоир Азимов бошлиқ бригада коллективи пешқадамлик қиляпти. Бу бригада анча вақтдан бери ягона наряд-да ишлаяпти. 20 ишчининг орасида биронта ҳам қолоғи йўқ. Илғор коллектив меҳнатни ташкил этишнинг янги усули афзалликларидан фойдаланиб ишлаб, беш кунлик топшириқларини тўрт кунда бажаришга муваффақ бўляпти. Бригада ишчилари КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларини амалга ошириш учун қурашиб, бу йил меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ўстириш, маҳсулот таннархини 0,5 процент арзонлаштиришга интилмоқда.

Ҳозир шина ремонт заводида 18 хил шина ремонт қилинмоқда. Булар орасида кўп юк кўтарадиган «МАЗ» автомашинасидан тортиб, «Запорожец» енгил автомобилининг шинасигача бор.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ХИЗМАТИДА

ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУН

В. И. Ленин номли Тошкент метрополитени ҳар куни юз минглаб ҳамшаҳарларимизни и г узоғини яқин қилмоқда. Метрополитеннинг йўл ва тоннель иншоотлари хизмати коллективи ҳам пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини такомиллаштириб бормоқда. Ойлик, квартал планлари ҳамиша ошириб бажариляпти.

Ҳозирги пайтда икки юздан ортиқ ишчи ва хизматчи «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган шарафли номни олиш учун кураш олиб боряпти. 145 ишчи эса шундай муборак номнинг эгасидир.

Метрополитен хизматчиларидан В. Скидан, Ж. Қурбонов, А. Ҳошимовлар поездларнинг ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Пойтахт ер ости қасрининг хизматчилари серқуёш республикамизнинг яқинлашиб келаётган 60 йиллиги олдидан йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқдилар.

Ҳ. ЮНУСОВ,
Тошкент метрополитени ишчиси.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

«Студент баҳори»

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти бадиий ҳаваскорлик коллективларининг Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги ва Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 39 йиллигига бағишлаб кўрик —конкурс ўтказилди. Бу конкурсда биринчи педиатрия ва иккинчи педиатрия факультетлари студентлари ўзларининг ижрочилик маҳоратлари билан санъат сирларини қандай эгаллаётганликларини намойиш этдилар.

Ҳаваскор студентлардан М. Сараева, Ҳ. Ғаниев, А. Султоновлар ватанпарварлик қўшиқлари билан томошабинлар таҳсинига сазовор бўлишди. Айниқса «Бой ила хизматчи» драмаси ва «Оилавий мажлис» интермедияси жюри аъзолари томонидан муносиб баҳоланди. Кўрик конкурс ғолибларига олий ўқув юртининг Фахрий ёрлиқлари ва қимматли мукофотлар топширилди.

Ҳаёт чорлайди

Бу йил институтни 810 йигит ва қиз битириб чиқмоқда. Бундан 12 йил муқаддам ташкил этилган ана шу олий ўқув юрти ўз фаолияти давомида 7 минг 500 мутахассисни битириб чиқарди.

Куни кеча институтда тақсимот комиссияси мамлакатимизнинг турли шаҳарларига медицина хизмати кўрсатиш учун доимий ишга боравётганларга йўлланмаларни тантанали топширди.

Битирувчилар орасида СССР Темир йўллар министрлигининг Шарқий Сибирь ва Ўрта Осиё темир йўли бошқармаларига қарашли даволаш муассасаларида ишлаш истагини билдирганлар бор. Улар Иркутск, Улан-Удэ Вихасевка, Зима шаҳарлари ва станцияларида ишлайдилар.

Бундан ташқари ёш педиатр врачлар Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистоннинг Чимкент областида ишлаш истагини билдирдилар.

600 га яқин битирувчи Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида ишлайдиган бўлди.

ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

Чуст районида кўҳна Варзиқ қишлоғининг кўчалари, майдонлари, бозори съёмка майдонига айлантирилди. Бу қишлоқ ва унинг атрофи Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» автобиографик асарига ҳикоя қилинган жойларга яқиндир. Ажойиб ўзбек ёзувчисининг қиссаси республика кинематографиячилари яратаётган янги бадиий фильмга адабий замин қилиб олинди.

Режиссер Али Ҳамроев фильм устида ишламоқда. У ҳам сценарий авторидир. Бутуниттифоқ кинематография институтининг студенти Али Эргашев картинанинг постановкачиси. Унинг учун бу лента диплом иши ҳисобланади.

(ЎзТАГ).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлигининг марказий конструкторлик лойиҳа-технология бюроси мутахассислари сут ташийдиган цистерналардаги сутни ҳисоблаш счетчигига энг қулай уланадиган мосламани ишлаб чиқдилар.

Тошкент сут заводида бу янги қурилмани тадбиқ этиш натижасида йилига 6 минг сўм иқтисодий самара олинмоқда. Конструкторларнинг ихтироси СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида намойиш этиш учун юборилди.

●

«Узгипроавтодор» институтида Сурхондарё областида пахтачиликни ривожлантириш учун жуда ҳам зарур бўлган автомобиль йўли участкасининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа қисқа муддатда тайёрланди.

●

Республика Киночилар уйида таниқли кинорежиссёр, СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Йўлдош Аъзамовнинг 75 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлади. Тарихий-инқилобий ва замонавий мавзудаги бир қатор кино асарлари ижодкори таваллудига бағишланган кечада режиссёр суратга олган янги фильмлар намойиш этилади.

●

«Ғунча» кинотеатрида «Дунё болалар нигоҳида» деб номланган болалар расмлари кўргазмаси очилди.

ОБ-ҲАВО

Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 19 даража иссиқ бўлди. Эртага ҳаво очиқ, кечаси 8—13, кундузи эса 22—27 даража иссиқ бўлади.

● ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ!

ХАЛОСКОР ХАЛҚ ЖАСОРАТИГА БАҒИШЛАБ

Республика пойтахтининг В. И. Ленин номидаги майдонида инсоният онгининг барҳаёт хотираси рамзи бўлган Номаълум солдат қабри узра мангу оловга ёниб турибди. Ҳар куни бу ерга шаҳримизнинг ҳамма бурчакларидан одамлар оқими келади. Улар Улуғ Ватан урушининг жанг майдонларида бошини абадий уйқуга қўйган садоқатли фарзандлар ҳурматини бажо келтириш учун бу ерга келадилар. Шаҳримизнинг каттадан тортиб кичигигача бўлган одамлар бу ерга келишди. Барчанинг қўлида ҳиди анқиб турган баҳор гуллари.

Гуллар, гуллар, бир олам гуллар денгиз бўлиб чайқалади. Ғалабанинг шонли кунида бу гуллар Волгоград кўчасидаги Мардлик мемориалига ҳам қўйилди. Шаҳримиз кўчалари бўйлаб Ғалаба кунига бағишланган духовой мусиқанинг ёқимли, жозибали байрами ўтказилди. Бунда фақатгина созандалар эмас, балки минглаб шаҳримиз аҳолиси ҳам қатнашди.

Тошкентнинг корхоналари ва ташкилотларида ҳам ҳалок бўлган жангчиларнинг ҳурмати бажо келтирилди. Кеча «Ташсельмаш» заводининг кўплаб меҳнатчилари учун унутилмас хотира дақиқаларига бўлди. Ҳалок бўлган заводлик солдатлар шарафига корхона территориясида қад кўтарган обида олдига Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, шон-шуҳратли корхонанинг ёш авлоди келди. Ҳалок бўлганларнинг номи ўйиб ёзилган девор олдига гуллар қўйилди. Ёшларнинг мураббийлари ўша жанговар кунлар тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар. Она-Ватанимизнинг муқаддас чегарасини кўз қорачиғидек сақлаш, унинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини оширишга муносиб меҳнат билан жавоб беришга чақирдилар.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ҳамид Мирсолиҳовнинг номи билан аталаётган кўчанинг кўплаб аҳолиси кеча ҳалок бўлган қаҳрамоннинг оиласини йўқлашди. Қизил изтопарлар отрядининг аъзолари бўлган пионер ва ўқувчилар байрам арафасида ўзбек халқининг улуғ фарзанди жасоратига донр янги ҳужжатларни, унинг қаҳрамонлик йўлини акс эттирувчи ашёвий далилларни изладилар.

Ғалаба куни улуғдир! Шаҳримизда бўлиб ўтган тантаналар ана шу байрамга халоскор совет жангчиларининг жасоратига бағишланди. Бу байрам пойтахтимиз спорт жамиятларининг минглаб физкультурачилари қатнашган жозибали спорт юриши билан ниҳоясига етди. «Бундан буён урушга йўл йўқ», «Она замингдан тинчликни сақлаб қоламиз». Шон-шуҳрат ёдгорликлари, Номаълум солдат қабри олдида ветеранлар билан бўлган учрашувларда ана шундай чақириқлар янгради.

Э. АДАЙКИНА.

СУРАТДА: В. И. Ленин номли майдонда байрам.



ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ДАМАШҚ. Сурия Араб Республикасининг ахборот министри Я. Ражмуд Исроил билан Қўшма Штатларнинг Яқин Шарқдаги авантюрачилик сиёсатини қаттиқ танқид қилди. У «Ал-мустақбал» журнали мухбири билан суҳбатда Сурияга қарши Исроил агрессияси хавфи реал бўлиб қолмоқда, деб таъкидлади. Исроил агрессорлари араб халқларининг ҳуқуқлари ва ҳаётий манфаатларини поймол этаётган Қўшма Штатларнинг мададидан тўла фойдаланмоқдалар.

Я. Ражух инкала маълумотларига халқларининг бахт-саодати йўлида муваффақиятли ривожланаётган Сурия-Совет муносабатларига ҳасад билан қарамоқда. Улар сионизм режаларини барбод қилиш, Яқин Шарқда адолатли тинчлик ўрнатиш учун кураш-да Совет Иттифоқи Сурияни қўллаб-қувватлаётганлигини муҳимлигини таъкидлади.

● ЛИМА. АНД парламентининг навбатдаги сессияси АҚШ МРБ ғазандалари Никарагуа портларини миналаштирганлигини қораловчи резолюцияни қабул қилди. Сессия ишида АНД группасига аъзо бўлган мамлакатлар —Боливия, Венесуэла, Колумбия, Перу ва Эквадор вакиллари иштирок этишди.

МРБнинг мустақил республикага қарши ҳаракатини қароқчиларча ҳужумдан бошқа нарса деб баҳолаш мумкин эмас, деб таъкидланади ҳужжатда. Анжуман қатнашчилари «Контдор» группасининг Марказий Америкадаги танг аҳволни снёсий бартараф этиш борасидаги ишларини қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар.

● **АККРА. Гана касаба союзлари конгресси муваққат миллий мудофаа кенгашининг снёсатини қўллаб-қувватламоқда ва ишлаб чиқариш воситалари устидан ва маҳсулот тақсимоти устидан тўла контроллик меҳнаткашларга топширилиши учун курашмоқда, деди Гана касаба союзлари конгресси бош секретари К. Янки.**

У мамлакат ғарбидаги Таноради шаҳрида гапириб, Гана халқи шундай шароитдагина ўз тақдирининг чинакам хўжайини бўла олади ва миллий экономикани ривожлантиришга тўла-тўкис ҳисса қўша олади, деб таъкидлади. К. Янки меҳнаткашларни революция ғалабаларини ҳимоя қилишда сезгир туришга ва Муваққат миллий мудофаа кенгаши ўртага қўйган вазифаларини амалга оширишга ҳар-тача ёрдам беришга чақирди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти (ИСРО) олимлари биринчи ҳинд тадқиқотчи космонавти Р. Шарма «Салют—7» орбитал илмий станцияси ичида ўтказган эксперимент-ларнинг натижаларини Совет Иттифоқидан олинишини жуда сабрсизлик билан кутмоқдалар. ИСРО директори профессор У. Р. Рао Бангалорда ПТИ агентлиги мухбири билан суҳбатда шундай деди. Ташкилотимиз лабораторияларида Ҳиндистон экономикаси кўпгина тармоқлари учун ғоят катта илмий ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган ана шу маълумотларни анализ қилишга ҳамма нарса тайёр. Биз Совет-Ҳиндистон космик учиши давомида мамлакатимизнинг геология, ўрмон хўжалиги, сув ресурслари ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилган тадқиқотлар маълумотларига биринчи даражали аҳамият бермоқдамиз, деди ИСРО директори.

• Тошкент марказининг шуҳрати

ФАХРЛИ БЕЛГИ БИЛАН

«Компрессор» заводининг тайёр маҳсулотлар майдонига сафсаф қилиб қўйилган «ПР — 6М», «ПР — 10М» ва «РКВН» компрессор станциялари бортларига қуйидаги сўзлар ёзилган: «Тошкентда тайёрланган». Бу техника воситалари Иттифоқимиз халқ хўжалигида ва чет элларда кенг миқёсда ишлатиляпти. Биринчиси — бир ўқли, кичик ҳажмли станция минутига 6 кубометр қисилган ҳаво ишлаб чиқаради. Шу энергия билан йўл ва бошқа қурилиш ишларида ишлатиладиган турли хил асбоблар ҳаракатга келтирилади.

Анча кучли бўлган «ПР—10М» компрессор станцияси Лейпцигдаги халқаро ярмаркада олтин медаль, биринчи даражали диплом билан тақдирланган. Бу энергетика станцияларига фақат социалистик мамлакатлар — Чехословакия, Болгария, Польша, Кубада эмас, балки капиталистик мамлакатларда ҳам талаб катта.

Ҳозир корхона ялпи маҳсулотининг 75 процентини давлат Сифат белгиси билан тайёрлаяпти. Умумий маҳсулотининг 15 процентдан ортиғини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига жўнатяпти. Барча ротацион ҳаракат қиладиган компрессорлар фахрли бешқиррали белгига эга. Бу албатта, машинасозларнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

Тошкентнинг 2000 йиллиги арафасида заводда «ВД» типидаги янги роторли компрессор ўзлаштирилди.

Шаҳримиздаги бу машҳур корхона Улуғ Ватан уруши бошланганда Днепропетровск ва Запорожьедан кўчириб келтирилган цехлар асосида ташкил этилган. Дастлаб бу ердан фронт учун ўқдорилар ишлаб чиқарилган. Урушдан кейинги йилларда эса завод секин-аста компрессорлар ва компрессор станциялари ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Бу маҳсулот коллектив учун янгилик эди. Шунинг учун ҳам ўхшаш корхоналар билан яқин алоқа ўрнатиш, уларнинг илғор тажрибасини ўрганиш зарур бўлди. Заводнинг мутахассислари, илғор ишчилари Москва, Ленинград ва Қозондаги компрессор заводларига бориб, у ерлардаги ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши билан яқиндан танишдилар. Айниқса Москва компрессор заводи коллективи билан алоқалар йилдан-йил кучайиб борди. 70-йилларнинг бошига келиб Москва ва Тошкент компрессорчилари ўзаро мусобақа бўйича шартнома тузишди. Бу мусобақа ўн йил давом этди. Бу даврда мунтазам ўзаро алоқа қилиб, техник ахборотлар айрибошлаб турилди. Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги, маҳсулотнинг юқори сифатда бўлишини таъминлашдаги тажрибалар ўртоқлашилди. Мусобақа ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлди.

Москва компрессор заводи юксак даражада механизациялашган ва автоматлашган, юқори ишлаб чиқариш маданиятига эга бўлган, технология интизомига қаттиқ риоя қиладиган корхонадир. Бу ерда намунали маданий-маиший хизмат йўлга қўйилган, ишчиларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказишлари учун яхши шарт-шароитлар яратилган. Тошкентликларга айниқса у ердаги узлуксиз социалистик мусобақа маъқул бўлди.

Москваликларга эса Тошкент корхонасида анчадан бери жорий этилиб келинаётган шахсий ҳисоб бўйича мусобақа маъқул бўлди.

Ҳозир тошкентлик компрессорчилар Одесса компрессор заводи коллективи билан мусобақалашяпти. Лекин улар москвалик ҳамкасблари билан ҳам алоқани узишгани йўқ. Уларга ички министрлик кооперацияси бўйича «РБ—90» компрессорининг совутиш установкаларини етказиб беришяпти. Коллектив пойтахтликлар буюртмасини тез ва соз бажаришга ҳаракат қилишади. Мижозлар уларнинг ишидан хурсанд.

Урушдан кейинги йилларда икки-учтагина кичик цехдан иборат бўлган корхона ўтган йиллар мобайнида партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги, иттифоқимиздаги ўхшаш корхоналарнинг яқиндан берган ёрдами туфайли юксалишнинг катта йўлини босиб ўтди. Ҳозир у республикамиздаги пешқадам машинасозлик корхоналаридандир.

Коллектив ҳар йили 16 миллион сўмликдан ортиқ компрессорлар ва компрессор станциялари тайёрлаб, Иттифоқимиздаги ва чет эллардаги ўнлаб адресларга юбормоқда.

Коллектив ўтган йили зарбдорона меҳнат қилди. Маҳсулот етказиб бериш бўйича барча мажбуриятлар бажарилди, маҳсулот ҳажми ва техник иқтисодий кўрсаткичлар ортиғи билан адо этилди. Планга қўшимча 350 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги 10 процент ўсди. Топшириққа қўшимча 29 та компрессор ишлаб чиқарилди. Натижада корхона йиллик иш якунлари бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Коллектив ўн биринчи беш йиллигининг тўртинчи йилида ҳам жадал суръат билан меҳнат қиляпти. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб компрессорчилар янги юксак марраларни белгилашди.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ


ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СССРнинг инсонпарварлиги

МАНАГУА. Бу ерда Совет-Никарагуа ҳамкорлигининг биринчи объекти — таълим энергетика марказининг тантанали очилиш маросими бўлди. Таълим марказининг совет машина-ускуналари билан жиҳозланган дарсхоналари ва лабораторияларини бўлғуси малакали энергетик кадрлар тўлдирди. Уларни СССРдан борган ўқитувчилар ўқитадилар.

Қўшма Штатлар Никарагуага нисбатан очиқдан-очиқ давлат терроризми сиёсатини ўтказиб, портларни миналаштираётган, аксил-инқилобчи самосачи тўдаларини қуроллантириб турган бир пайтда Совет Иттифоқи инсонпарварлик қилмоқда, деди марказни очиш маросимида миллий уйғониш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг аъзоси Р. Кордова Ривас, СССР билан Никарагуани бир-биридан минглаб километр масофа ажратиб турсада, бутун халқимиз совет-лар мамлакатини яқин дўсти деб билади, деб таъкидлади никарагуалик арбоб. У янги ўқув юртининг очилиши мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш, миллий энергетика саноати негизларини вужудга келтиришда катта аҳамиятга эга, деди. Яқин фурсатда, деди Р. Кордова Ривас СССРнинг техникавий ёрдами билан республикада яна тўртта ўқув маркази, шу жумладан қишлоқ хўжалик таълими маркази барпо этилади.

Бугунги кунда Никарагуа университетларида 40 нафарга яқин совет ўқитувчиси ишлаб турибди. СССРнинг ёрдами билан Марказий Америкадаги шу мамлакатда «Текника» тўқимачилик фабрикаси янгиланмоқда, кончилик корхоналари такомиллаштирилмоқда, гидроэнергетика ресурсларидан фойдаланиш программаси ишлаб чиқилмоқда.



Катталиги жиҳатидан ГДРда иккинчи ўринда турадиган Лейпциг Киев шаҳри билан кўпдан буён биродарлашиб келаётган шаҳар, ГДРнинг йирик саноат ва маданий марказн, анъанавий халқаро савдо ярмаркалари ўтказиладиган жойдир.

СУРАТДА: Георгий Димитров музейи томонидан ярмаркалар шаҳрининг кўриниши.

АДН—ТАСС фотоси.

* * *

Буюк Британиянинг пойтахти Лондон жаҳоннинг энг йирик шаҳарларидан биридир.

СУРАТДА: пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари сайр қиладиган жойлардан бири — Темза дарёси соҳилидир.

ТАСС фотохроникаси.



АНЪАНАВИЙ БАЙРАМ

Болгариянинг қадимий байрами бизнинг кунларимизгача сақланиб келди. Шунга кўра ҳар йили бу ерда март ойининг ўрталаридан апрель охиригача отда югуриш мусобақаси ўтказилади.

Қишлоқда тонг саҳардан ҳаёт жонланади. Сарвқомат аёллар турли отларнинг фигуралари туширилган думалоқ нонлар ёпишади. Кейин улар зўр хушнудлик билан мусобақа майдони томон йўл оладилар. Орқама-орқа шоҳона кийинган отлиқлар ҳам етиб келишади. Улар тагида кишнаб турган отлар ҳам дид билан ясатилган.

Болгарияда ўтказиладиган барча байрамдагидек халқ қувноқ қўшиқ бошлайди, кейин кимдир рақсга тушади. Бора-бора даврадагиларнинг ҳаммаси унга қўшилиб кетади. Шундан сўнг отлиқлар саф тортишади ва мусобақа бошланади. Белгиланган масофа уч юз метрдан тортиб, то минг метргача бўлиши мумкин.

Кекса кампирлар энг чиройли пиширилган думалоқ нонлардан бирини танлашади. Унн соғлиқ ва бахт тилашиб мусобақа ғолибига тақдим этишади. Албатта бу марҳаматдан ғолиб от ҳам қуруқ қолмайди. У бир челак пиширилган маккажухори донн билан «меҳмон» қилинади.

Бу халқ байрамнинг бир группа қатнашчилари — Болгария от спорти федерациясининг вакиллари бўлмиш София физкультура ва спорт институтининг студентларидир. Улар от спорти билан шуғулланишади. Болгарияда от спорти ўзининг оммавийлигини йўқотмай келаётир. Мамлакатда йиғирмага яқин от спорти жамиятлари, 12 та ихтисослашган мактаблар мавжуд. Энг яхши отлар эса Толбухин, Разград, Шумень, Пловдив, Плевен ва бошқа округларда етиштириладн.



Фотокалейдоскоп

Посбонликда ҳушёр турнб...

АП—ТАСС фотоси.

ХРОНИКА, ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР

БУДАПЕШТ. Будапештдан шарқда жойлашган Венгрия—Монголия дўстлиги номидаги қишлоқ хўжалик кооперативининг мутахассислари ишлаб чиқкан чоғроқ бир ҳисобдон машина комбайнлар иш унумини анча оширишга, ёқилғи сарфини камайтиришга имкон беради. Одатдаги автомобиль радиоприёмнигидан катта бўлмаган прибор комбайнчи кабинасида ўрнатилади ва машинанинг ишидаги ҳар қандай носозлик тўғрисида сигнал беради, шунингдек ундаги энг муҳим узеллар ишини контроль қилиб туради.

* * *

БУХАРЕСТ. Бухарестдаги Никалау номидаги Вирусология институтининг олимлари гриппга қарши ўзлари яратган янги вакцинани «Нивгрип» деб аташди. Вакцина 500.000 беморда яхши натижалар берди.

Никалау номидаги институт Д. И. Ивановский номидаги Москва Вирусология институти билан бир қанча йиллардан бери самарали ҳамкорлик қилиб келади.

• *Меҳнатинг—зийнатинг*

Ҳайдовчилар сардори

Унинг туғилган кунини нишонлашга келган меҳмонлар алламаҳалгача ўтиришди. Рихсибой шаънига қизғин қутловлар айтилди. Қундуз аяга сўз берилганда ҳамма жим бўлиб қолди. Аянинг кўзларн бироз намланди. У жиянн Рихсибойга тикилиб ўз онасини, синглиси Зубайдани ва қуёвини эслади, жиянн босиб ўтган йўл кўз ўнгидан бирма-бир ўтди. Кўзида ёш билан жиянига узоқ умр, бахт-саодат тилади.

Ота-онадан барвақт ажралган Рихсибой холаси Қундуз опа қўлида ўсди. Холаси унга етимлигини билдирмади. Ҳам ота, ҳам она вазифасини бажариб, жиянн атрофида парвона бўлди, руҳини кўтарди. Рихсибой ўрта мактабни битиргач холасининг тавсияси билан ота-онаси меҳнат қилган Хадрадаги 2-трамвай депосига ишга келди. Холаси Қундуз опа Мусабековдан трамвай бошқариш сирларини пухта ўрганиб олди.

Ҳозирги кунда қарилик гаштини сураётган бу нуроний аёлнинг ўша пайтдаги обрў-эътибори ҳам юқори эди. Салкам 40 йил трамвай бошқарган Қундуз опа соцналистик мусобақада доим карвонбоши бўларди.

Бугунги кунда бу аёлнинг яхши меҳнат анъаналарини депода жиянн давом эттиряпти. Баланд бўй, қоравадан келган, қотмагина бу йигитни ҳамшаҳарларимиз яхши билишади. У бугунги кунда пойтахтимиз кўчаларида гуриллаб юраётган 7-маршрутдаги 2505-номерли трамвайни моҳирлик билан бошқаради.

Кунлардан бирида йигитни депо директори ҳузурига чақирди. Рихсибой ижозат сўраб, ийманибгина ичкарига кирди.

— Укам, сендан рухсатсиз зиммангга масъулиятли вазифани юклаб қўйдик.

Рихсибой директорга ялт этиб қарадн.

— Билсам бўладими?

Директор бир оз хаёлга чўмиб, рўпарасидаги йигитнинг кифтига қўл ташлади.

— Сени 16-трамвай маршрутига бошлиқ этиб тайинладик.

Рихсибой ўзига кўрсатилган юксак ишончдан мамнун бўлиб хонадан чиқди.

Иллар ўтаверди. 16-трамвай маршрутида йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш мақсадида ҳайдовчилар ўртасида қизғин соцналистик мусобақа авж олди. Маршрут коллективи қолоқликни тарк этиб, илғорлар сафидан ўрин олди. Рихсибойнинг шогирдлари ва ҳамкасблари —Ўзбекистон ССР Олий Советн депутати Н. Абдуллаҳаева, О. Ашурбеков, Н. Икромов, А. Хўжаевларнинг номи 2-трамвай депоси «Ҳурмат тахтаси»дан ўрин олди. Рихсибой Сандовнинг ўзи эса 16 йил мобайнида илғор маршрутда (Студентлар шаҳарчаси— «Ўзбексельмаш»» заводи) миллион километр йўлни трамвайда хатарсиз босиб ўтди.

... Сўлим баҳор қандай фусункор. Рихсибой баҳор гўзаллигига суқланиб боқиб, тўйиб-тўйиб нафас олади. Бутун борлиғи билан ота-онаси, бувиси, холаси босиб ўтган йўлга назар ташлаб, бири-биридан ширин фарзандлари тақдирини ўйлайди, ўз сулоласи шонли анъаналарини давом эттираётганига севинади. Оқ йўл сенга, трамвай ҳайдовчилар сардори Рихсибой!

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

● Фаттоҳ Абдураҳимов — СССР Журналистлар союзининг аъзоси, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасида чиқадиган кўп нусхали «Мотор» газетасининг редактори, «Тошкент оқшоми»нинг актив муаллифларидан бири. Ўзининг эллик баҳорини қаршилаётган бу муаллиф кўп йиллардан бери газетамиз саҳифаларида қизиқарли корреспонденция ва лавҳалари, ахборотлари билан қатнашиб келади.



Бугунги Тошкент. Сўнгги йилларда Сергели райони беқиёс даражада ўзгариб кетди. Бу ерда кўплаб маданий-маиший ва турар жой бинолари қад кўтармоқда.

СУРАТДА: Сергели янги микрорайонида бунёд этилган тўққиз қаватли турар жой бинолари.

М. Нуриддинов фотоси.

• Луқма

Баландпарвоз афишалар

Тошкентда бир замонлар концертлар айрим бойваччаларнинг ҳашаматли саройларидагина намойиш қилинган. Ана ўшалардан бири князь Романов кошонасидаги концерт программаларига кириш эса ҳаммага ҳам насиб қилавермаган. Шунда азалдан санъаткор ва санъат шайдоси бўлган оддий халқ инмаларни орзу қилмаган дейсиз...

Ҳозирги Я. М. Свердлов номли концерт залининг илк биносинн қурдирган корчалон Цинцадзе ҳам инмаларнидир орзу қилган. Лекин бу орзунинг оддий халқ орзуси билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Шунинг учун ҳам ҳалн бино деворн нурай бошламаёқ, корчалон Цинцадзенинг номи уқаланиб кетган.

Мазкур концерт залн эса бугунга келиб катта ва муҳташам санъат кошонасига айланган. Шаҳримиз аҳлн эндиликда М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Г. К. Оржоникидзе, Ф. Хўжаев, А. Икромов кабн атоқлн саркарда ва давлат арбобларнинг оташин нутқларн янграган ушбу масканда мириқиб ҳордиқ чиқаришлари, ранг-баранг концерт программаларнин томоша қилишларн мумкин. Бунинг учун ҳамма шарт-шароит бор. Бироқ бинонинг ўзи бинойндек ишлаб турганн билан гоҳо ана шу маскан раҳбарлари ва хизматчилари томошабинга найранг кўрсатиб қўйишяпти. Қандай қилиб дейсизми! Марҳамат:

— «Биз бир гуруҳ санъат ишқибозларн шу йил 12 апрель кунн севимлн шоирмиз Ўткир Рашиднинг ижодий кечасида қатнашиш учун Я. М. Свердлов номли концерт залига бордик. Кайфиятимиз ниҳоятда яхшн эдн. Лекин минг афсуски, кеча охирига бориб бу кайфиятдан асар ҳам қолмадн. Сабабн программада эълон қилинган хонандаларнинг ярмн концертда иштирок этмади...»

Ушбу хатнн бизга ўша кечага мириқиб дам олиш ниятида келиб тарвузи қўлтиғндан тушиб қайтган ўн олти нафар томошабин номндан инженер А. Набиев йўллаган. Хатда кўрсатилган кунн саҳнага чиқмаган тўққизта хонанданнг номи ҳам келтирилган. Улар орасида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Малоҳат Дадабоева, Наима Пўлатова, солистлар ака-ука Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар, Мавлуда Ойнакулова ва бошқалар бор. Томошабинларга ҳурматсизлнгн учун уларнинг номн кичкина ҳарфлар билан ёзилган...

Бизга хат йўллаган оқшомхонларнинг шу кунн программанн олиб борган артист Ўткир Сиддиқовдан ҳам хафсаласн пир бўлдн. У узоқ-яқиндан келган томошабинлардан концертда иштирок этмаган хонандалар учун кечирим сўрашни ўзига эп кўрмаган.

Муҳиддин Қори Ёқубов номли Ўзбекистон давлат филармонияси раҳбарларига санъаткор учун томошабин ҳурматини жойига қўйишдан улуғроқ ва муҳимроқ юмуш йўқ эканлигини уқтириб ўтиришн ортиқча бўлса керак. Улар бунн жуда яхшн билишади. Фақат билган нарсасига амал қилишмайди, холос.

Ҳудди шу кунги ижодий кеча ва концерт намойишига оналаси билан ташриф буюрган яна бир оқшомхон Н. Усмонхўжаев ҳам боқибеғам филармония раҳбарлари ва рўйхатда бор, аммо саҳнада йўқ хонандалардан ранжиб редакцияга хат йўллаган. Бир-биридан мутлақо бехабар ва нотаниш иккала мактуб муаллифлари ҳам баландпарвоз афишалар эълон қилиб унинг рисоладагидек кўнгилли ўтишини таъминлаш ҳақида жиддий бош қотирмаётган мутасадди ташкилотлар раҳбарларидан норози бўлганлар.

Умуман Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги билан боғлиқ бўлган кўпгина концерт афишаларн ана шундай баландпарвоз оҳангда тузилади. Лекин афишани ёзган ва унн тайёрлаган кишилар масъулиятни унутиб, ўзларн ҳеч нарсадан бехабар кишидек бўлаётган воқеаларга лоқайд қарашади.

Баландпарвоз афишалар ортида кимлар турганлигини балки Ўзбекистон ССР Маданият министрлигидагилар айтишар! Редакция шу хусусда конкрет жавоб кутади!

Ю. МУҲАМЕДОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

ЖИМАРИҚНИ ЁҚАЛАБ

Шаҳримизда Педагогика деб аталадиган кўча бор. Ана шу кўчанинг шимол ва жануб томонларидан ўтган иккита ариқнинг эса номи йўқ. Одамлар ўзларича кўчанинг жануб томонидан ўтганини Тўпалонариқ, кейингисини эса Жимарик дейишади. Сабаби бирин чисида доим сув тўла, ҳатто тошиб ётади, Жимарикда эса бир қултум сув йўқ, жим. Шу ариқнинг икки қирғоғига анча меҳнат сарф қилиниб, экилган дов-дарахт ҳам ҳозир қуриб, қулаш арафасида.

Айни кунда кўчадаги симёғочлар ҳам икки йил бурун қай тарзда бўлса шундай қийшайиб ётибди. Озгина шамол турса симлар бир-бирига тегиб томлар устига учқун сачратади. Ана шу учқунлардан бири шу кўчадаги 46-уй ёнидаги ахлаттепа устига тушса шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси раҳбарларининг кўзи мошдек очилиб қолармиди?

Б. ҚОДИРОВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси.

«ТУРКМАН БОЗОРИ» ҚАЕРДА?

«Тошкент марказий универсал магазини» ва «Россия» меҳмонхонаси ўртасида ниҳоятда гавжум, файзли ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бой «Туркман бозори» номи билан аталадиган колхоз бозори бўларди. Шаҳримиздаги улкан ўзгаришлар туфайли бу бозор бузилиб, ундан сал нарида янги бозорча қурилиб, у нима учундир «Марказий бозори» деб атала бошланди. Номланишига бир эътибор беринг! Нименинг «Марказий бозори?» Тошкент шаҳрининг марказий бозоримн? Уни марказ деб аташга тил бормайди. Иккинчидан вивескадаги ном ҳам хато ёзилган «Марказий бозори» эмас, балки «Марказий бозор» деб ёзилиши керак эди. Учинчидан шаҳарликлар бу бозорнинг олдинги «Туркман бозори» номига жуда ҳам ўрганиб кетишган эди.

Шаҳримиздаги жой номлари бўйича мутасадди ташкилот нима сабабдандир бу жойнинг «Туркман бозори» деб аталишининг сабабини шаҳримиз аҳолисига яхшилаб тушунтириш ўрнига, бу хилдаги тарихий номларни осонгина бошқа номлар билан ўзгартириб қўйишга фатво беради-қўяди.

Б. УМУРҚУЛОВ, М. САПАРОВ, Б. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий ходимлари.

ЙЎЛСОЗЛАР, ҚАЙДАСИЗ?

Биз йўлсозлар деб эъзозлайдиган касб эгалари кўп ҳолда ўз вазифаларига лоқайдлик билан қарашади. Акмал Икромов районидаги Бекобод маҳалла аҳолиси бундан етти йил бурун шундай фикрда эмас эди. Лекин шунга мажбур қилишди.

Гап шундаки, ўшанда Меҳмондўст 1 ва 2-проездларига асфальт ётқизилиб, маҳалла номи билан аталувчи кўчанинг 100 метр чамаси жойи асфальтсиз қолган эди. Шу-шу етти йилдан бери қишда сув, ёзда тупроқ кечиб бормаган жойимиз қолмади.

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси раҳбарлари буни билишмайди деб ўйламанг. Улар билишади. Билишади-ю, қуруқ ваъда бериб ўз билганларини қилишади.

М. ЗУПАРОВА,
К. МИРЗАЕВА,
Жами 9 имзо. Пенсионерлар.

КЎЧАЛАР КЎЧИБ ЁТИБДИ

Бешқайрағоч массивида серқатнов кўчалар анчагина. Улардан бири Зиё Саид кўчасининг бугунги қиёфаси ачинарли. Кўча асфальти кўчиб, трамвай бекатларининг супачалари ўйилиб кетган. Яқинда бу ерга йўлсозлар бир машина асфальтни енгил-елпи тўкиб кетди. Сифатсиз, юзаки қилинган меҳнат туфайли кўча яна уйдим-чуқур бўлиб қолаверди.

Шунингдек, Ҳабиб Абдуллаев номли кўча ҳам ҳозир жиддий ремонтга муҳтож. Бу кўчалар ҳар икки йилда ремонт қилиниб турилади. Лекин аҳвол ўзгармайди. Сабаби йўлсозлар қўл учида ишлашади.

Кўча ва йўллар ремонтига ажратилган пулни беҳуда сарфлаш қачон барҳам топади?

Л. ҲАМИДОВ,
пенсионер.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

10 МАЙ, 1984 й.



•ЯХШИ ХИСЛАТ—ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

БИР ОҒИЗ СЎЗ...

ҲАНОАТЛИ— ҚАДР ТОПАДИ

— Хой овсинжон, нега бундай қиласиз-а, сизга қараб туриб бизнинг жонимиз ачишиб кетади. Нима, оила қилса ҳам рўзғорбоши у, кўпроқ ундан талаб қилинг, айтиб туриб бажартиринг. Ўзингизнинг маошингиздан уст-бошингизга ажратинг, ана шунда ўйинкулгинга ҳам вақт топасиз.

Ҳамида «хўп» деган ишорани қилди-ю, уйга ошиқди. У ошхонага кириб, эри хуш кўрадиган овқатга ннарсакан, хаёлидан қўшниларининг «ўгити» кетмас, аксига олиб Содиқжон кечикарди. Бу эса ҳозиргина қўшнилари қалбига ташлаган шубҳа учқунларини аланғалатиб юборди.

Устма-уст жиринглаган қўнғироқдан ўзига келиб, эшикни очди-ю, хомуш турган эрига аранг салом бериб ошхонага кириб кетди.

— Уйда нима бор-йўқлиги билан бир пақирлик ишингиз йўқ, рўзғор—ғор деб ўйламайсиз, кеч келасиз, сизга нима, тайёр хизматкор бўлса! — Ҳамида бирдан портлаб кетди, анча қаттиқ гаплар чиқиб кетди суяксиз тилдан.

Онасининг қабри тепасидан хомуш бўлиб, юраги эзилиб келган Содиқ хотинининг бу гапларидан қотиб қолди. Қутилмаган ҳақоратлардан юраги қаттиқ санчди, ранги оқариб гиламга ўтириб қолди.

Капгирни лаганга уриб овқат сузиб чиққан Ҳамида эрини бу аҳволда кўриб қўрқиб кетди. Шошиб қолган хотин «Тез ёрдам» чақирди...

Улар тонггача ухлолмадилар, севимли таомга қўл ҳам урилмади.

Ҳамида қўшнилардан олган «ибрати» учун ўзини кечиролмай лаънатлар, эрининг кўзларига тик қарай олмасди.

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

— Ҳалима эшитдингизми, Комил қизлар билан юриб кетганмиш. Кеча бир қиз билан шундоқ кўчада гаплашиб турганини кўришибди. Ҳозир одамларда инсоф қолмади. Қизларга ҳам ҳайронсан, оилали демасдан... — ҳовлиқиб «ахборот» берди Жамила қўшнисини тўхтатиб.

— Секинроқ-ей, хотинининг қулоғига етмасин, шундоғам уни қулоғи узун. Комил унақа йигит эмас, эҳтимол курсдошини учратиб қолгандир, эҳтимол бирга ишлашар.

— Бе, кўрган одам ёш бола эмаски, уларни қайси маънода туришганини сезмаса. Хабарингиз йўқми, Комил уч кундан буён уйга келмаяпти. Хотини билан уришиб кетиб қолган. Зумрад ҳозир онаси билан турибди. Бир балоси бўлмаса Зумрад уришармиди, қайнонаси ҳам «Қизим шунга теккандан буён кўксига шамол тегмади. Унақанги эрнинг бориданам йўғи», деб юриптиқу ҳаммага. Бир балоси бордир, сезишгандирки...

— Зумраднинг тили ёмон, эрини ҳеч кўз очирмасди, тергагани тергаган эди. Комил шўрлик айтганини қиларди, ҳайронман, Зумраднинг нияти нима экан, балки ёшлик ғуруридир.

— Ўзиям олов жувонда, бундай хотин учун кир ювиш у ёқда турсин, бошида кўтариб юрса ҳам арзийди.

— Майли овсинжон, шу сирни сизу-мен билайлик, балки бу ёлғондир. Ана шу туҳмат учун бечоралар сан-манга бориб юришмасин, ўртада болалари бор.

— Қизиқсиз-да, Ҳалима, индаманг эмиш. Касални даволагандан олдини олган маъқул, бу гапни айтиб унинг кўзини очиш керак. Эрини тийиб олсин.

Афсуски, Замира шундай қилди. Жаҳл кетганда — ақл қочади, деганларидек, Зумрад ўйламай иш қилиб қўйди. Олти йиллик турмуш ўртоғини ишхонасида обрўйини тўкди, иснодга чидолмаган Комил ишдан бўшаб кетди. Қайнона эса куёвининг маҳалласига бориб арз қилди, қудалар юз кўрмас бўлиб кетишди.

Маҳалланинг кексалари ёшларни ўртага олиб насиҳат қилишди. Онасининг, баъзи бировларнинг гапига лаққа тушган, барибир қайтиб келади, деб ишонган Зумрад уларнинг гапига қулоқ солмади, болаларининг тақдирини ўйламади. Йўқ ўйлади, алимент ундириб беришларини талаб қилди. Комил уйни хотинига ташлаб чиқиб кетди. Суд бўлиб ажралишди. Ана шунда Зумраднинг кўзи очилди, лекин у кечикган эди.

Айтилган сўз — отилган ўқ. Бу сўз ҳар кимга ҳар хил таъсир қилади. Мулоҳазали одамлар ўз ақли билан кенгашади. Зумрадга ўхшаган шошқалоқ, калта ўйлайдиганлар ўзгалар ақли билан иш кўради. Оқибат натижада, нафақат ўзларини, бегуноҳ норасидаларнинг ҳам кўз ёшларига сабабчи бўладилар.

М. ҲАМИДОВА.

• *Наботот ажойиботлари*

ДАРАХТ АНТЕННА

Ҳинд олимларининг ихтиролларига қарашда. Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган норжил ва бошқа пальма дарахтлари ҳозирда саноат миқёсида кенг кўламда ишлатиладиган металлдан ясалган телевизион антенналарнинг ўрнини босиши мумкин экан. Олимлар бу борадаги ўз тажрибалари ўтказиб, ҳақиқатан ҳам пальма дарахти телевизион сигналларини қабул қилиш қобилиятига эга эканлигини аниқлашди. Энди шундай дарахтлар эгаллаши мумкин.

ТЕЗКОР УСИМЛИК


Жадал ўсадиган дарахтлар қаторига павлонияни киритишимиз мумкин. Маълумотларга қараганда, павлония кўчати бир фаслнинг ўзида етти метргача ўсиши мумкин.

ТАБИИЙ ТЎР

Қуманжир (кактус) турларининг биридан ажойиб кўринишга эга бўлган тўр тўқима олиш мумкин. Бунинг учун ўсимлик барглари ёшлигида ёмғир ёки ажратиб ташланади, сўнг яхшилаб ювиб қуритилади. Шу йўсинда олинган нафис тўр тўқимадан Мексика ҳамда Калифорниянинг маҳаллий аҳолиси ўзгача чиройга эга бўлган кийим ёқалари, енглар ва шарфлар сифатида фойдаланишади. Ўсимлик барглари-нинг скелет қисмидан тайёрланган табиий кийим воситалари анчагина пишиқ бўлиб, уларни вақтивақти билан совунлаб ювиб туриш ҳам мумкин.

НОЁБ ҚАРАҒАЙ

Япониядаги Мияшима оролида жуда ноёб қарағай ўсади. Бу ўсимликни маҳаллий аҳоли «аждаҳо соқоли» деб аташади: унинг баландлиги 60 сантиметр бўлиб, қуюқ ер бағирлаб кетган шохчалари 30 метргача тўшалиб ётади.



Болаларнинг муносиб касб танлашларида мактабларда, пионер ва ўқувчилар саройларида ташкил этилган турли хил тўгаракларнинг аҳамияти катта. Ўзи ёқтирган тўгарагига аъзо бўлган ўқувчи энг аввало ноёб скрларнинг ана шу жойда ўрга надн.

СУРАТДА: Собир Раҳимов районидаги А. Набиев номли пионер ва ўқувчилар саройидаги авиамоделчилар тўгарагида навбатдаги машғулот пайти.

М. Нурмдинов фотоси.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН

САЛОМ, БАҲОР

Чиқдим баҳор йўлига
Қучоқ очди қир, дала.
Севинч солди дилимга
Ҳар бир гиёҳ, ҳар лола.
Қучоқ очди қир, дала.
«Хуш келибсан элимга,
Баҳор, сенга олқишлар,»
Чулдираб ўз тилида
Мақтаб сайрайди қушлар,
Баҳор, сенга олқишлар.
Ям-яшил япроқлардан
Кийинган олам янги.
Тонги гулгун шафақдан
Олмиш чехралар рангин,
Кийинган олам янги.
Бамисоли раққоса
Эсиб баҳор елларк:
«Кел, ўйнайлик, деб роса»,
Чўзар бизга қўлларин
Эсиб баҳор елларк.
Майсалар тиниқ-тиниқ,
Тиндиради кўзларин.
Қирлар лола сайрига
Чорламоқда бизларни,
Чорлар ўғил-қизларни.

ОЛАМ ЧИРОЙЛИ

Олам чиройли,
Яшнаган баҳор.
Боғларда гуллар
Бизга интизор.
Қара, эй, ўртоқ,
Гўзал ҳаммаёқ.
Бизни етаклар
Тонгнинг елларк.
Бошимиз силар
Қуёш қўлларк.
Чорлар бизни боқ,
Дала, адр, боғ.
Олдинда эҳ-е,
Нотаниш йўллар.
Қушлар мисоли
Талпинар диллар.
Йўлимиз йироқ,
Билмаймиз чарчоқ.
Ҳаёт қандай соз,
Танда қон жўшар.
Истак, орзулар
Кучга-куч қўшар.
Завқли яшамоқ,
Тошар ишткёқ.


Рауф ТОЛИБ.




ТОШКЕНТ— ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

3 майда газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида тошкентлик шахмат мухлисларининг навбатдаги юришларн эълон қилинган эди. Улар биринчи тахтада Ке4:с3, ўзлари оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада эса h2—h3 юришини эълон қилишган эди. Бу юришлар «Вечерняя Алма-Ата» газетасининг

Олмаота—Тошкент



Тошкент—Олмаота.



Ҳурматли газетхонлар! Ҳар икки тахтадаги вазиятни баҳолаб кўринг. Олмаоталикларнинг в2:с3 юришига қандай жавоб беришни таклиф қиласиз. Узингиз оқ доналар билан ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги — еттинчи юриш қандай бўлиши керак! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз. Биринчи бўлиб 3 май сонида эълон қилинди.

Олмаоталик шахмат мухлислари ўйлаш учун ажратилган бир ҳафта муддатдан фойдаланиб, газетхонларимизнинг h2—h3 юришига Cg4—h5 билан жавоб беришди, ўзларн оқ доналар билан ўйнаётган биринчи тахтада эса навбатдаги олтинчи юришнк в2:с3 эълон қилишди.

Тошкент—Олмаота

Шаҳримиз кўчаларн йил сайнн гўзаллашиб бормоқда. Шулардан бири Алишер Навоий номли кўчадир. Кейинги йилларда кўчанинг бир қисмн реконструкция қилиб кенгайтирилди.

СУРАТДА: Навоий кўчасининг ҳозирги кўриниши.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• Ҳайвонот олами сирлари

ОВОЗЛАРИДА МАЪНО БОР

Баҳорнинг қуёшли куни эди. Ҳайвонот боғидаги бир томонк очиқ ва яна бир томони соябонли жойда маймунлар ўйнашарди. Бирдан осмонда булут пайдо бўлиб, ёмғир томчилай бошлади. Бирдан маймунлар чийиллаб, бақиришиб, ўзларини соябон тагига урншди. Уларнинг овозини ҳайвонот боғи ходимларк магнитофонга ёзиб олишди.

Бошқа куни ёмғирсиз, қуёш чарақлаб турган пайт, ёзиб олинган овозни магнитофонда қўйишади. Очиқ майдонда ўйнаб юрган маймунлар магнитофондаги овозни эшитиши билан бирдаигга ўзларини соябонли жойга олдилар. Тилшуносларимаймунларнинг бу ҳаракатларидан қуйидаги хулосага келдилар: «Қочинглар, ёмғир» дейилган экан.

• Ажойиботлар оламида

СОҚОЛ БОЖИ

Петр 1 замонида эркак киши соқолини қирдирнб юриши ёки соқол учун бож тўлаши керак бўлган. Костромалик тарихчи ва ўлкашунос В. Соболев йиққан танга— жетонлар орасидан биттаси бунга далолат бера олади. Гугурт қутисидек мис квадрат пластинка юзида диагонал йўналишда «соқолдан бож олинди. 1725» деб ўйиб ёзилган.

Анчагина пул тўлаб, шундай «соқол ёрлиғини олган бойлар уни мажбурий қирдирнб юришдан қутулганлар.

Ватанимиз тарихида Петр бирнчи даври снёсат, иқтисод ва маданиятда илғор ўзгаришлар қилинганлиги билан характерланади. Янгиликлар анчага тушган. Швеция билан чўзилиб кетган шимолий уруш ҳам кўп маблағ талаб қилган. Петр ислоҳотларининг муҳолифлари бўлмиш боярлар ўзларкга ёқмаган янгиликларга йоналар қилишни унча ёқтирмаганлар. Шундай қилиб Петр ҳар йил бож ва солиқлар жорий этиб, ўз фуқароларининг чўнтакларидан пул қоқиштириб олиб юрган. Ҳаммоларга, печь мўриларига, эски модадаги либосга ҳам солиқлар жорий этилган.

(ТАСС).

КОСТРОМА.

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати.

ПОЙТАХТ БЎСАҒАСИДА

(«ГЕНЕРАЛ РАВШАНОВ» романидан парча)

—7—

Осмонда фашист самолётлари пайдо бўлди. Ўзимизнинг починларимиз қани! Тўсатдан қилинган ҳужумнинг оқибати ёмон бўлди-да. Аэродромларимизни ғафлат уйқусида босдилар. Ғарбий районлардаги заводларимиз вайрон қилинди, Шарққа кўчирилганлари ҳали самолёт чиқаролгани йўқ. Ҳадемай Шарқдаги заводлардан янги починлар пешма-пеш чиқиб келишига унинг нишончи комил. Тошкентдан келаётган мактублар шундан далолат. Тошкентдай узоқ ўлка ҳарбий самолётлар чиқара бошлабдими, ҳаводаги муаммо яқин кунларда ҳал бўлади.

— Ертўла тайёр! — дивизиянернинг рапорти унинг хаёлини бўлди. Шоша-пиша кўрилган зах ертўладан деворга терилган қарағай, шифтга қават-қават қўйилган қора қайин тўсинлардан елим ҳиди анқиб турарди.

* * *

Равшановнинг димоғига она ер иси хуш ёқди. Оҳ, она тупроқ... не-не кунлар унинг бошига тушди... У ходчалардан ясалиб, устига арча шохлари ташланган ўрнидиққа ёнбошлади. Бир оз шифтга тикилиб, ўйланиб ётди, тунги бедорлик унинг вужудини эзиб келди. Кўзларини юмди. Бир нафасгина мизғиди. Қулоғи шанғиллагандай бўлди, кўзларини шошиб очди. Ташқарида гувиллаган овоз шифтдаги бир неча қават тўсинлар ва улар устига тўкилган тупроқ орасидан ўтиб ертўлага кириб келарди. У ирғиб ўрнидан турди-да, ташқарига отилди. Эшикдан чиқиши билан осмонга қаради. Гўё парадга кетаётгандай тизилган душман самолётларини кўрди. У ҳалигача осмонда бунча кўп самолёт кўрмаганди. Улар қитъага кўчиб кетаётган қора қузғунлардай осмонни қоплаб олишган эди.

— Москвага боряпти, лаънатилар...

Фашистлар кун бўйи пойтахтга осмондан қилишган ҳужум оқибатини кутибми ёки разведка ўтказаётганн учунми, Равшанов дивизияси эгаллаб турган маррада ўша кунларн жанг бўлмади. Бу дивком учун айниқ муддао эди. Равшанов аскарлари пичча ҳордиқ чиқариб, душман ҳужумини қайтаришга шайланишди.

Тун оққанда Равшанов дивизия позицнясини текширганн чиқди. Ертўладан сал нарндаги сўқмоқда қўл чироқнинг қизғиш нурн ёниб ўчганини кўриб, тўхтади. Чироқ яна икки-уч бор ёнибўчди. Охиргисн Равшановга анча яқин жойда порлади. Одам қораси кўринди. Ким бўлди булар! Чироқ ушлаган одам йўл патрулларн бошлиғи эди.

— Ўртоқ полковник, бу капитан сизни кўрмоқчи экан... Генерал Владовнинг адъютанти экан. Ҳужжатларини кўрдим.

—8—

—9—

Равшанов қўл чироғи нурини меҳмоннинг юзига тутди.

— Морозов! Бўёқларда нима қилиб юрибсиз!

— Салом, ўртоқ полковник.

— Салом, салом! Қандай янгилик олиб келдингиз!

— Штабимизни қидириб юрибмиз. Штаб шу ўртада бўлиши керак эди...

— Бу ўртада штаб қораси кўринмади. Бир ўзингизмисиз, шерикларингиз ҳам бормн! Қўмондон қаерда!

— Қўмондон шу ерда.

Равшанов патрулларга рухсат бериб, капитан Морозов билан армия қўмондони генерал Владов ҳузурига борди. Киргокда юк машинаси кўринди. Унинг панасида қўмондон кўриқчиларн тамаки чекиб, пичирлашиб гаплашардилар. Сал нарида ойнасидан хира нур сочиб «Эмка» турарди. Афтидан қўмондон қўл чироғи ёруғида харита кўрмоқда эди.

Адъютант Морозов «Эмка» эшигини очиб, генерал Владовга ҳисоб берди:

— Полковник Равшанов ҳам бехабар экан. Мана ўзини ҳузурингизга бошлаб келдим.

Владов хаританн нарн сурнб қўйиб, чироқ нурини Равшановга қаратдн.

— Хўш, бу ерда нима қилиб турибсан!

— Штабингиз шу ерда тўпланишни буюрган эди.

— Штабнинг ўзи қаерда!

— Кечадан бери алоқа боғлаёлмаяпман.

— Немис қаерда!

— Кеча бу ердан ўн бир километр нарида эди...

— Бекор гап... Немис орқангда эмас, йигирма километр олдингда турибди, — деди Владов овозини баланд қилиб.— Фон Штрауснинг қоқонгга илинишимга сал қолди. Орқага қайтдим. Уша ерда сен бўлишинг керак эди. Аксинча, сендан олдин Фон Штраус одамлари етиб борибди... Энди нима қилмоқчисан!

— Маршал Будённий буйруғини бажаряпман.

— Нима! Нима! Уз қўмондонингни четлаб ўтиб маршаллар билан алоқа боғлаяпсанми!

— Штабингизни қидириб юрганимда маршал Будённийга дуч келиб қолдим. Маршал шу маррада маҳкам туришга буюрди.

Владовнинг кўзига ҳамма нарса қоп-қоронғи бўлиб кўринарди. Ҳамма нарса, йўллар ҳам, ўрмонлар ҳам, буйруқлар ҳам. Маршал Будённий генерал Владов билан бир оғиз маслаҳат

—10—

—11—

лашмай унинг измидаги дивизия командирига буйруқ бериб кетаверадимми. Нега!! Маршал вазиятдан хабардормн ўзи: ўзи ана харитага қарадн. Нимандир, қаерларнидир қидирди. Қаерн, нимани, қайси штаб, қайси бир қўшилмасининг позициясини қидиради. Харитага гўё чимчимат тўсиб қўйилган. Унинг штаби қаерда! Узинн ўзи хаёлан сўроққа тутарди. Маршал Будённий олдига борсинми, балки у янги вазиятга мос аниқроқ вазифалар топширар. Бе! «Штабинг қаерда!!» деб сўраб қолса-чи! Қўшинларинг қаерда жанг қиляпти, деб сурштирса-чи! Жавобга тайёрмисан! Сенга эмас, йўлида дуч келган Равшановга мурожаат қилишн маршалнинг ҳам ошиғи олчи турааётганидан эмасдир.

— Маршал Будённий қаерга кетди!— деб сўради Владов.

— Унн Ставка комиссияси чақириб кетди. Юқорн мартабали одамлардан фавқулодда комиссия тузилибди. Ворошилов, Молотов, Василевский ўртоқлар фронтимизга келишибди.. Масала жиддийга ўхшайди.

Владовнинг кўзи олдида қора нуқталар пирилаб айлана бошлади. «Масала жиддий... масала жиддий» деб такрорлади у.

Ўйлана турнб «Қандай қилиб душманни шу жойларгача келтириб қўйдик, сабабини аниқлаш керак-да», деб кўнглидан ўтказди. Кейин Равшановга зимдан қараб, аста сўради:

— Будённий нималарни сўради, сен нималар дединг унга!

—12—

— Чекиниш жонимга текканини айтдим. Биpор жойда пухта мудофаа ташкил қилолмадик-да! Уставларимиз жуда пухта уставлар! Унга амал қилмадик. Энди азобнни тортяпмиз.

— Будённий сендан шуларни сўрабмнди!

— Ўзининг ҳам ақли бор. Ҳаммасини ўзи кўриб билиб турибди. Керак бўлса буларни ҳукумат комиссиясига ҳам айтамаи.

Генерал Владов бир ғижиниб олди-да, Равшановни машина ичига таклиф қилди.

— Қани, гапинг бўлса ўзимга айт, шикоятбозлик қиладиган давр эмас.

— Ҳақ гапни ўзингизга ҳам айтганман, ўртоқ генерал! Кучларимизни ҳудди товуққа дон сепгандай снйрак сочиб ташладик. Биpор жойда танкларга қаршн тузук-қуруқ таянч пункти ҳосил қилолмадик. Душман кўр эмас, кўриб турибди. Шунинг учун у хоҳлаган жойида катта куч тўплаб, бир зарба билан ёрнб ўтяпти. Гўё биз немис билан «Москвага ким олдин бораркин» деб пойга қиляпмиз. Пойгада гоҳ у, гоҳ биз олдинда боряпмиз.

Владов қўл чироғнни Равшановнинг кўзларига қаратдн. Фонарнинг қизғиш нурида полковникнинг уйқусизликдан қизарган кўзлари қон қуйилиб тургандай бўлиб кўринди. Владов бошқа командирларида ҳам шундай ҳолат кўрганди. Нима қилсин, у ҳеч кимга дам беролмаганидай, Равшановга ҳам «бир оз ётиб ухлаб ол, кўзинг

—13—

чарчабди» деёлмайди. Пойгачининг кўзлари худди «Немис билан Москвага ким олдин борар пойгасини сен бошлаб бердинг» дегандай Владовга қадалиб турди.

Генерал Владов қўл чироғининг тугмасини бармоғи билан чириклатиб босди. Равшановнинг ўткир кўзларига тўкилиб турган бир парча нур сўнди. Машина ичи зимистон бўлди. Владов нафас ҳам олмаётгандай жим ўтирди-да, ниҳоят, Равшановга деди:

— Полковник! Ўзинг айтган пойганинг маррасига етиб келдинг. Шу маррада маҳкам туришга кўзинг етадими!

Ватан ҳимоясининг масъул кишиси, минглаб қуролли одамлар, шу жумладан, унинг тақдирини ҳам ўз қўлида ушлаб турган қўмондонининг бу саволи Равшановга чучмал туюлди, маъносини ўзича таҳлил қилиб кўрган, Владов ҳамон чекинишни давом эттириш ниятида экан, деган хулосага келди.

Генерал Владов Равшановдан жавоб кутар эди.

— Бу жой мудофаа учун нуда ҳулай,— деди Равшанов,— табиий тўсиқлар бизга мададкор. Сапёрлар Малина кўпригини портлатишга ҳозирлаяптилар...

Владов қўл чироғини яна ёқиб, Равшановнинг кўзларига боқди. Назарида бу оснёликнинг кўзларида қайсарлик бордай эди. Генерал чироқни ўчирди. — Янги топшириқ олгунингча шу ерда маҳкам тур, полковник. Фронт штабидан қайтгач, сенн ўзим топаман.

Равшанов машинадан тушгач, генерал эшикни

—14—

қаттиқ ёпди-да, шофёрга рулни ўнгга бур, деб буюрди.

«Эмка» қимирлаб қолганини кўрган қўмондон кўриқчиларн апил-тапил «газ» юкхонасига чиқиб олдилар.

Равшанов иккиллаб юриб кетган машиналарга тикилганча анча вақт турнб қолди. «Шу маррада маҳкам туришга кўзинг етадимм!» дейди. Сенга ишонмаганимм бу ёки ўзининг мужмалларигимм! Академияда яхши ўқиган деб эдилар. Академии таҳсилини олган одам, тажрибали генерал Малина маррасининг қадрига етмаётганн, қанча синовлардан ўтган дивизия кучига ишонмаётганн нимаси! Авзойи бузуқлигининг сабаби маълум... Аммо менга муносабати нега бу қадар совуқ. Юзимга тарсаки ургандай қилиб «Эмка»сн эшигини жаҳл билан тарақлатиб ёпганн нимаси...

Генерал Владов ҳам Равшановнинг бугунги кўринишидан, ўзнни тутишидан норози эди. «Маршал билан гаплашганмиш, ҳамма гапни айтганмиш. Хўш, нима бўпти! Малинадагн бир дивизия Будённийга нима қилиб берарди. Таянч пункти тузадимм! Бари бир у имсолн ёлғиз от, чанги чиқса чиқадики, донги чиқмайди. Маршал унга биpор ваъда бердимикин! Будённийнинг айтган ҳамма гапларини сўраб олиш керак эди. Балки, Будённий Малинада янги фронт очмоқчидир. Қайси куч билан, ҳар ёқда ўз ҳолича жанг қилаётган тарқоқ қўшилмаларни Малина ёқасида тўплаб, уюшқоқ фронт очиш осон иш эканми! Қани, резерв фронти қўмондони сенга нималар дер экан! Комиссия аъзолари нималар дер экан!..»

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

10 МАЙ, 1984 й.

ОЛИМПИАДАЧИЛАР ОРАМИЗДА

ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Студентлар шаҳарларидаги спорт майдончаларида Тошкент давлат олий ўқув юртлари ўртасида кўп тўри бўйича биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақаларда ва аёллар ўртасидаги волейбол беллашувларида ўртасиданиқланди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган XII студент спорти ҳафтаси программаси доирасида ўтказилган бу беллашувлар ниҳоятда қизиқарли бўлди.

16 эркак ва 16 аёллар командаси ғолиблик учун баҳс юритишди. Тошкент Давлат физкультура институтининг командалари уюшқоқлиги ва ҳужумкорлиги билан ажралиб турди. Барча учрашувларни юксак савияда ўтказган бу икки команда чемпион унвонини қўлга киритди.

Фахрли иккинчи ўринни В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг командалари эгаллади.

БИЛДИРИШ

Лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати Тошкент университети тингловчилари диққатига.

10 май соат 17 да В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида «Сўз ва тасвирнинг ўзаро таъсири — ҳозирги шароитларда лекция пропагандасининг муҳим талаблари-дан биридир» мавзунда лекция ўқилади. Лектор — В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг катта илмий ходими С. Элчибекова.

Иккинчи қисм— «Оғзаки пропагандаиинг ленинча принциплари» мавзунда семинар машғулотлари. Семинар раҳбари — фалсафа фанлари кандидати К. Шарафутдинова.

(Охири. Бошн газетанинг ўтган сонида).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1984 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАН БОШЛАБ ОЛИШ УЧУН

«СОЮЗПЕЧАТЬ» каталогларида номлари кўрсатиб ўтилган барча марказий газеталарга, шу жумладан «ЛИТЕРАТУРНАЯ ГАЗЕТА»ГА ҳам;

кўпгина оммавий; партия-сиёсий, комсомол-ёшлар, илмий-оммабоп журналларига;

санъат бўйича, хотин-қизлар, болалар, спорт ва бошқа журналларга

ОБУНА БОШЛАНДИ

«Аврора», «Знание—сила», «Здоровье», «Крестьянка», «Огонёк», «Работница», «Человек и закон», «Ровесник», «Смена», «Советский экран», «Юный натуралист», «Юный техник», «Мурзилка», «Весёлые картинки», «Крокодил», «Роман—газета» ва бошқа журналларга обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Сиз обунани «Союзпечать» агентликларида, Тошкент шаҳридаги алоқа бўлимларида ва иш жойингизда расмийлаштиришингиз мумкин.

ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ МУДДАТЛАРИ:

Марказий газеталарга — 14 ИЮНГАЧА;
Марказий журналларга — 1 ИЮНГАЧА;
маҳаллий газеталарга — 20 ИЮНГАЧА;
маҳаллий журналларга — 5 ИЮНГАЧА.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

40-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **автослесарь, минорали кран машинисти, экскаватор машинисти, бульдозерчи, дурадгор, бўёқчи, слесарь-сантехник, қўлда пайвандловчи электр пайвандчи, йўл-қурилиш машиналари бўйича электрослесарь.**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—3 ЙИЛ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қабул қилинганлар тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар ёки 30 сўмдан стипендия (минорали кран ва экскаватор машинисти 75 сўм) **ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида маошининг 50 проценти билан таъминланадилар.**

ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта-махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма берилади.

Билим юртида юқорида қайд қилинган касблар бўйича 6 ойлик қисқа тайёрлов курслари очилган.

Билим юрти қошида вокал-чолғу ва халқ-чолғу ансамбллари, фото ва рассомлик тўгараклари, турли спорт секциялари мунтазам ишлаб туради.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт (гувоҳнома), маълумоти ҳақида шаҳодатнома, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 6 дона фотосурт (3х4 см.).

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 69-уй (1, 1 э, 4, 17 э, 24, 102-автобусларнинг «М. Горький метро станцияси» бекати; 17, 18-троллейбуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—85 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АВТОКРАНЧИ («С» категорияли ҳайдовчи ҳуқуқини олиш билан бирга 3-класс), **автомашиналар ремонти бўйича** СЛЕСАРЬ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ, СКРЕПЕР МАШИНИСТИ, ПРИЦЕПЛИ ГРЕЙДЕР МАШИНИСТИ, СУВОҚЧИ-БЎЁҚЧИ, ДУРАДГОР, СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК, ЭЛЕКТРОКАРА ҲАЙДОВЧИ.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида мажбурий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Слесарь-сантехник, дурадгор (ўқиш муддати 1 йил) ихтисослари бўйича ўқишга кирганларга ҳар ойда 65 сўмдан стипендия берилади. Бошқа мутахассисликлар бўйича ўқишга кирганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртида 3 йил ўқийдиганлар кунига 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганларнинг ҳаммаси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Ҳуршид кўчаси, 83-уй (44, 48, автобуслар, 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ

161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-1985 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчи, қандолатчи, новвой, совутиш қурилмалари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик, нон ёпиш саноати машина-ускуналарининг созловчилари, саноат ускуналарининг ремонтчи-слесарлари (нон заводлари учун).

ЎҚИШ МУДДАТИ:— ўрта маълумотлилар учун бир йил, 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йил.

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, формали кийим-бош, яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 33 проценти миқдорида пул мукофоти оладилар.

Ўрта маълумотли ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

Билим юрти қошида кечки мактаб, турли спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик ва бошқа тўгараклар ишлаб турибди.

Билим юрти битирувчиларга ихтисоси бўйича 3—4 разряд берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртига юбориладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Машғулотлар 1 сентябрдан боцланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти», 21, 49-автобусларнинг «2-нон заводи», 8, 48, 30, 72, 121-автобуслар, 3, 23, 29, 6-трамвайларнинг «Фонтанная кўчаси» бекатлари).

БОЛАЛАР СТРАХОВАНИЕСИ—МУНОСИБ ҒАМХЎРЛИКДИР

БОЛАЛАР СТРАХОВАНИЕСИ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗСАНГИЗ, У ЎН САККИЗ ЁШГА ТЎЛГАНИДА ШАРТНОМАДА БЕЛГИЛАНГАН СТРАХОВАНИЕ ПУЛИ ТЎЛАЛИГИЧА БЕРИЛАДИ.

Шунингдек, шартнома шартларида страхование қилинган боланинг жароҳатланиши, тасодифан ўткир заҳарланиши, баҳорги-ёзги энцефалит ёки маълум ҳолларда полиомиелит хасталиги билан касалланиши оқибатида саломатлигини йўқотган ҳолларда страхование пули ёки унинг тегишли қисми тўланади ёки страхованиечига страхование суммасининг 30 проценти тўланади ва барча тўланган взнослар қайтариб берилади.

Ойлик аъзолик бадаллари страхование шартномаси тузилган кунда, страхование муддати, страхование суммаси ва уларни тўлашнинг давомийлигига қараб боланинг ёшини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Страхование шартномасини ҳар қандай ёшдаги боланинг, лекин 6 ойликдан кам бўлмаган ва 15 ёшдан катта бўлмаган ёшдаги боланинг фойдасига тузиш мумкин.

Страхование аъзолик бадалини қуйидаги ҳолларда тўлаш мумкин:

— Страхование шартномасининг бутун муддатида;
— қисқартирилган муддат (10 йил) мобайнида;
— қисқартирилган муддатда.

Агарда бола 8 ёшдан ошмаган бўлса, страхованиечига қисқартирилган муддат — 10 йилга страхование шартномасини тузиш ҳуқуқи берилади. Бундай ҳолда страхование муддати тугаганидан кейин страхование суммаси омонат кассага страхование қилдирилган боланинг номига ўтказилади. Лекин страхованиечининг ўзи ҳам страхование суммасини олиши мумкин. Бунинг учун у страхование муддати тугашидан камида 15 кун олдин ариза бериши лозим.

Аъзолик бадалларини қисқартирилган даврда ҳам тўлаш мумкин. Бундай усулда бадалларни тўлаш шартнома ҳаракат муддатидан олдин тугалланади. Лекин, давлат страхование органлари страхование қилинган болалар учун страхование шартномаси муддати тугагунга қадар масъулиятни ўз зиммаларига оладилар.

Страхование аъзолик бадалларини страхованиечининг иш жойида бухгалтерия орқали, омонат кассалардаги жамғармалар бўйича ҳисобдан пул ўтказиш йўли билан, страхование агентига, ҳисоб дафтарчаси бўйича омонат касса орқали ёки давлат страхованиеси инспекцияси адресига почта жўнатмаси йўли билан ҳам тўлаш мумкин.



Болаларнинг страхование шартномасини ота-оналар (фарзанд қилиб тарбиясига олганлар), боболар, бувилар ва бошқа қариндошлар тузишлари мумкин

Агарда сизни страхованиенинг бу тури қизиқтириб қолган бўлса, сизнинг корхонангиз, муассасангиз, ташкилотингизга хизмат кўрсатувчи давлат страхованиеси инспекциясига ёки страхование агентига мурожаат қилиб страхование шартлари билан янада батафсил танишишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-54-73).

ПИРОГ—ДАСТУРХОН ҚЎРКИДИР

Одатда оила дастурхони хамирга маргарин қўшиб лаззатли этиб пиширилган қирмизи рангли пироглар ва хушхўр булочкалар, қумоқ-қумоқ печенье ва кулчалар, тортлар ва пирожнийлар билан янада тўкин бўлади.

Қўли гул уй бекалари маргаринда тайёрлаб пиширилган хамир таомлар жуда ҳам лаззатли бўлишини аллақачон сезиб олишган. Бундай таомлар майин ва хушхўр бўлади, меҳмоннинг кўнглини хушнуд этади.


Агарда бундай хамир таомларни тайёрлаш ниятида бўлсангиз, марҳамат, маҳоратингизни синаб кўринг.

БИР НЕЧА РЕЦЕПТНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:

ОЛМАЛИ ПИРОГ

Маргаринга шакар ва туз солиб қорасиз. тухумнинг сариғини оҳиста қуйиб аралаштирасиз, устидан ун сепиб турасиз. Хамирни тезда қориб, ҳавоси салқин жойда тиндириб қўясиз. 15 минут ўтгач хамирни қўлга олиб яхшилаб ёясиз, унинг устидан олмани юпқа парраклаб териб чиқасиз, шакар сепасиз, хамирни чеккасини чимчилаб қизиб турган духовка шкафига қўясиз. Пирогнинг чеккаси қизариши билан олма майин тортади, шундан кейин уни духовка шкафидан олиб устига шакар кукунини сепасиз.

Масаллиқ учун — 300 грамм ун, 200 грамм маргарин, 3 дона тухум сариғи, 200 грамм шакар (100 грамм хамирга, 100 грамм олмага), таъбга яраша туз, 5—6 дона олма, таомнинг устидан сепиш учун шакар кукуни керак бўлади.



ҚУМОҚ-ҚУМОҚЛИ ПЕЧЕНЬЕ

Унга шакар кукуни ёки шакар, сода, ванилин солиб ҳаммасини аралаштирасиз, устидан қаймоқ қуясиз, бўлаклаб маргарин ташлайсиз ва хамир қорасиз: хамирни думалоқ шар шаклига келтириб устига сочиқ ёпиб салқин ҳавода 20—30 минут тиндириб қўясиз; шундан кейин 1/2 см. қалинликда қатлама ёясиз. Хамирнинг устини вилька билан чакичлайсиз, гардишнинг диаметри 3—4 см. ли, ярим ой, ромбик ва турли хил шакларда фигуркалар қирқиб оласиз ва уларни газ плитасининг патнисига қўясиз. Айрим фигуркаларнинг устига майиз ёки мураббо мевасини безак мақсадида қўйиш мумкин.

Бу фигуркаларни кўпчитилган тухум суртилгандан кейин духовка шкафида 10—12 минут давомида пиширасиз.

Масаллиқ учун — 2 стакан ун, ярим стакан қаймоқ, бир стакан шакар, 100—125 грамм маргарин, 1/2 чой қошиғида сода, ярим пакетча ванилин.

БИСКВИТ ТОРТИ

Тухумнинг сариғини шакар билан оқаргунча аралаштирасиз, арпа уни билан қорасиз ва яхши кўпчитилган тухум оқини оҳиста қуясиз, қошиқ ёки куракчада майинлик билан аралаштирганингиздан кейин қолипларга қуясиз. Бу қолиплар мойланган бўлмоғи керак, қолипларнинг ичига солинган масаллиқ унинг 3/4 қисмини эгаллаб турсин. 160° даражагача қиздирилган духовка шкафининг печида таом 15—20 минутда пишади.

Масаллиқ учун — бир ярим стакан ун, бир ярим стакан шакар, 8 дона тухум.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗМЯСОМОЛТОРГ»нинг Тошкент шаҳар конторасн Тошкент ёғ-мой комбинатида ишлаб чиқарилган тарозда тортиладиган ва қадоқланган маргаринни тавсия қилади.

«УЗМЯСОМОЛТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНТОРАСИ (телефон 91-43-73).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

ПАЙШАНБА

10 МАЙ

● МТ I

18.00 «Шахмат мактаби». «Маҳорат сабоқлари».
18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Икки дунё — икки сиёсат».
19.00 «Қувноқ стартлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Совет киноси». Киножурнал.
19.40 Халқ хорларининг II Бутунроссия кўриги.
20.30 Чехословакия телевидениесининг Чехословакия фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 39 йиллигига бағишланган программаси.
21.30 «Время».
22.05 Санъат усталари». РСФСР халқ артисти О. Басилашвили.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 Тинчлик велосипед пойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Чашмалар».
19.20 «Тўққизинчи застава». Ҳужжатли фильм.
19.30-20.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.50 «Е. Колесник куйлайди». Фильм-концерт.
21.05 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Х. Кўтателадзе.
21.30 «Время».
22.05 «Пишмаган малина». Телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР).

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен тинчлик учун овоз бераман.
19.00 КПСС Марказий Комитети (1983 й) июнь Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Ижтимоий фанларни ривожлантиришнинг актуал масалалари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг мақомчилар ансамбли ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.25 «Театр ўчрашувлари». Ленинград Ёш томошабинлар театри — бизнинг меҳмонимиз.
23.25 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Баҳорда боғда». Музикали телефильм.
18.45 «Улар 16 ёшга тўлмаган эдилар». Телефильм.
19.05 «Классик куй саҳифалари».
19.50 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «МХАТ мактаб-студиясининг 1-курсида». Ҳужжатли фильм. 1-қисм (рус.).
21.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
21.30 МТ II

ЖУМА

11 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Мардлик мактаби».
10.40 «Мени ерда кутишяпти». Бадиий фильм.
12.00 «Қўшиқ инсон билан қолади».
13.00 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар.
16.15 Кировоград шаҳар «Весна» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
16.35 «Стадион ҳамма учун».
17.10 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Материализм ва эмпириокритицизм», 2-кўрсатув.
17.40 М. Мусоргский номли Урал Давлат консерваториясининг ўқитувчилари ва студентлари ижро этади.
18.05 Мультфильм.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Юр, кўрасан». Вятка дарёси ҳақида телефильм.
19.45 М. Фрадкин асарларидан концерт.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак».
23.45 «Дунё воқеалари».
24.00 Тинчлик велосипед пойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Композитор Глазунов». Илмий-оммабоп фильм.
12.05—12.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.10 Л. Леонов. «Ҳужум».
14.55 «Совет монументал ва портрет ҳайкалтарошлиги».
15.25 «Қай томон оқяпсан», Амударё». Илмий-оммабоп фильм.
16.30 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Москва юлдузлари» санъат фестивали. Концерт.
19.40—20.30 Э. Асадов поэзияси.
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.00 «Экилмаган жавдарининг гуллаши». Бадиий фильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Мультфильм.
10.40 «Ёзувчилар — болаларга». Шарль Перро (такрорий).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». «Студент қурилиш отрядлари жангчиларини касб-ҳунар кўникмаларига ўргатиш» (рус.).
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Баҳор нашидаси». Уткир Рашид.
18.35 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» (рус.).
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор»—МАСК. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Бошланиши». Катталар учун мультфильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Эртага—премьера». Кинокўрсатув.
23.40 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.35 МТ II.
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқув программаси.
18.50 Болалар учун фильм. «Қойилмақом Фердинанд» (рус.).
19.50 «Педнатр маслаҳати».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Китоб дўстлари».
20.55 «МХАТ мактаб-студиясининг 1-курсида». Ҳужжатли фильм. 2-қисм (рус.).
21.30 МТ II.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги 54-кечки (сменали) ишчи ёшлар мактаби томонидан **Умаров Магомет Абдуазизович** номига берилган 695561 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 21-кечки ишчи ёшлар ўрта мактаби томонидан **Арипова Зулхумор Вахитовна** номига берилган 02944 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

10 МАЙ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—10218. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10